

**“Худудий электр тармоқлари” АЖ**  
**“Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ**  
**Марғилон шаҳар электр таъминоти корхонаси**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН  
ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

# Ш А Р Т Н О М А С И

2022 йил “24” январ

476 -сон

Марғилон шаҳри

**НИЗОМ** асосида фаолият юритувчи **Марғилон шаҳар электр таъминоти корхонаси** раҳбари **Мўминов** (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади), бир томондан ҳамда **НИЗОМ** асосида фаолият юритувчи **Марғилон шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси** раҳбари **Ш. Рахимов** (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),

ҳисоб раками –

3	9	0	4	7	6
---	---	---	---	---	---

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳисоблаш мажбуриятини олади.

## II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив **19998** кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги нархи **450** сумдан **19998** кВт учун , **8999100** (Саккиз милли **тўққиз юз тўқсон тўққиз минг бир юз**) сумни ташкил этади.

*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳоилга тенглаштирилган, ( кераклиси ёзилсин)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ туланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисоб олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсовидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва руйхатдан ўтказилади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, ферм ҳужадалари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади. Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича, тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлар эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдор ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали; тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 06<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади. Белгиланган тариф II-тартиб гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади. Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчи нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари курсаткичлари бўйича амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи қорхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросини (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг курсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи Қорхонага энергиянинг сарфланиш тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “20” санасигача ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси тақдим этади. Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам курсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси уларнинг кучга киришидан камини 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи

фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир. Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарихида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойда ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади. Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан давр муддати доирасида курсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчи энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қийма учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни курсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Қорхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади. Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган беш неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф курсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади. Қорхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотни курсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб, оператор орқали роуминг операторига юборилади. (АСОС: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варағи фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори*)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқ далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланмаган электр тармоғининг мансублик баланси чегараси ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада курсатилади, бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегиш пайтларига тўлов ҳажмининг ёзиш учун қўшиб борилади. (6-7-иловаларни *реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди*)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари қорхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари қорхонасининг электр тармоғи истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларида технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада курсатилган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, Қорхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергия тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан курсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Қорхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) курсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб қуриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмининг аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ОХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги курсаткичлар автоматлаштирилган тизимни техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади. Ҳудудий электр тармоқлари қорхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доими асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун курсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилган Истеъмолчидан Шартномада курсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жамми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравар микдорига тўлов ундирилади. Истеъмолчининг энергия ҳажини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисоб олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китобни ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аҳоли тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди. Истеъмолчи томонидан Шартномада курсатилган электр энергияси ҳажмининг тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарихида тўланган

маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар туғач қарздорлик тулов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тулов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тулов муддати ўтган суммани 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилди. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган туловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Қорхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаб ҳисоб-китобларини тузади. Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти қорхонаси қарз ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси қуйиш йули билан, ҳам бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда; Бюро талабномалари бажарилмаганда; қўшма ҳисобдан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари қўриқчиларини олишга йўл қўйилмаганда; ҳисобга олиш приборлари қасдан бўзганда, қўриқчиларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиб, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда; шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда; электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди. Бюро ва электр тармоқлари қорхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ун баравари миқдорда тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар билан истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улуш мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар билан истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улуш мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифлар тенглаштирилади: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 2-моддасига асосан;

Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича шартлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармоишига асосан; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 20 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилни 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон хизмати ва маиший чикиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Қорхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш; сифат қўриқчилари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхталмаслиги ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш; қорхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларини ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдирлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақдирлар мувофиқлаштирилган шартлардан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой туғангунча) берилиши ва сураётган қўшимча миқдор учун 100% олдин тулов амалга оширилган бўлиши лозим; электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат қўриқчилари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш. Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш; энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш; электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органига (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш; фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш; эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Қорхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш; электр энергиясидан оқилон фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш; эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қўра кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти қорхонасини ёзма равишда хабардор қилиш; ЭЭХНАТ (АЙСКУЭ) тизими барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш; энергетика тизимининг «Электроҳисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, огоҳлантириш хатларига ўз вақтида муносабатларини билдириш зарур ҳолда дарҳол энергетикнинг қорхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш; энергетика тизимининг «Электроҳисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) шунингдек бошқа бирон реқвизитлари ўзгарган ҳолда ҳол истеъмолчи дарҳол электр таъминоти қорхонасига хабар бериши; Қорхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини қўздан кечириш белгиланган тартибда руҳсат бериш; йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бўлган ойдан энергиянинг зарур миқдори учун Қорхонага буюртманома бериш; келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжини аниқлашда энергия электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш. Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи Қорхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур: истеъмол қилинадиган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкларини даврларда реал вақт энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкларининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.. Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида қўриқтилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур: маҳсул бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илг

нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ буйича; йиллик, чораклик ва ойлик — улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта қўриб чиқиш корхона буйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари буйича электр энергияси баланслари тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясини самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларини мулкжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежаш ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш; маҳсулот (ишлар) бирлигига электрбажарилиши таъминлаш; электр энергиясини тежаш буйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

#### 4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш; ушбу шартнома шартла бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; авария режимида, Бюро хабардор қилиб Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш; электр ҳужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки улар бартараф этиш буйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш зарур бўлганда истеъмолчининг оғоҳлангани ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш; Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисоб олиш прибори бўлган истеъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш. Корхона қонунчиликка мувофиқ бош ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс буйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартнома кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳужалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш; электр ҳужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оғоҳлантириш; Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш; киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш; электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотида бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш батафсил жавоб юбориш; Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш; Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини қўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш; Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш. Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга. "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

#### 5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошириб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун; захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта узилиш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчининг Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда факултета авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди. Электр энергия таъминоти корхонаси учун билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қўрилмаларини тузилиши қондалари"нинг 1.2.1 ва 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тўғри келмаган (лойд талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши кураш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш буйича қўп тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

6.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кўни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

6.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида: давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш; адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш; ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш низолашининг самарали тартиб-таомилларини яратиш; давлат электрон савдоларининг самарали ишлаш таъминлаш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

6.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона равишда, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ва бундан ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

6.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаган томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки уни ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача булган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган узгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган булса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун ушбу ҳисобда тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан олдин кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар узаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш туғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

7.4. Барча узгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартиб солинади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ИСТЕЪМОЛЧИ:

Марғилон ш. Ободонлаштириш бошқармаси

Юридик манзили Мустақиллик 452а

Ҳисоб рақами 100022860304127065100110001

ИНН 200138992

ОКОНХ 90290

Молия вазирлиги Газначилиги

Ғх/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

Банк коди (МФО) 00014 ИНН 201122919

Телефонлар: 73 253 20 41

### КОРХОНА:

Марғилон ш. Электр таъминоти корхонаси

Почта манзили: Б.Марғилоний кўчаси 454а-х

ҳисоб рақами: 22 63 6000 100 215 289 449

Узсаноатқурилишбанк Фаргона филиали.

Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200 144 930

Телефонлар: 73 254-00-41 Факс: 254-00-41

СООГУ 01013 СОАТО 173041

### Истеъмолчи:

Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи

Ш. Рахимов

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.

### Корхона:

Марғилон ШЭТК бошлиғи

М. Муминов

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
**X U L O S A**

25.01.2022-yil.

Marg'ilon shahar.

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma. № 476

**2. Loyihaning nomi:** Marg'ilon shahar hokimligi Obobdonlashtirish boshqarmasiga Marg'ilon shahar Elektr ta'minoti korxonasi tomonidan jami 8 999 100 so'mlik elektr energiyasi etkazib berish to'g'risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:** Marg'ilon shahar hokimligi Obobdonlashtirish boshqarmasi va Marg'ilon shahar Elektr ta'minoti korxonasi o'rtasida tuzilib ishlab chiqilgan va 24.01.2022-yil kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marg'ilon shahar YuXK markazi  
bosh yuriskonsulti:-**



**M.Miraxmedov**